



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 25 февраль, № 40 (7542)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КИМЁ Саноатидаги асосий вазифалар белгилаб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда соҳани модернизация қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизмлари жорий этилиб, нарх-нашр шакллантириш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилди. Натижада кимё тармоғи ўтган йилни 2018 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўп фойда билан яқунлади.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил январь ойида парламентга йўндалган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳукумат олдиға уни модернизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

Бу бежиз эмас. Чунки мазкур тармоқда муаммолар, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган, мураккаб таркибга эга бўлмаган кимё маҳсулотлари четдан олиб келинмоқ-

да. Экспорт структураси диверсификация қилинмаган, бунда ҳанузгача минерал ўғитлар улуши жуда катта. Ишлатилмаётган ускуналар 60 фоиз эскирган, энергия сарфи меъёрдан 2-3 баравар ортук.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самардорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар берилди. “Рақамли технологиялар”ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматлаштириш даражасини кўтариш муҳимлиги қайд этилди.

Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озик-овқат ва фармацевтика учун зарур хом ашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқаришни тез мудатда лойиҳа қувватиға олиб чиқиш ҳамда иккинчи босқични лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Фаргоназот” акциядорлик жамияти, Кўнгирот сода заводи ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида давлат улушини инвестор-

ларга сотиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу мақсадда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида бўш турган майдонлар негизда иқтисодлаштирилган кичик саноат зонаси ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниб, ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш белгилаб олинди. Тараққиётимизнинг хозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири эса кимё соҳасидир.

Шу боис йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фанни такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоҳида муштажамлаш, бунинг учун тадқиқотларнинг соҳа корхоналари эҳтиёжига ҳамоханлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё-технология институтида мутахассислар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва соҳадаги истиқболли режалар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

Япония ва Корея Республикаси билан ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ушбу давлатлар нафақат Осиё, балки бутун дунёда, айниқса, юқсак технологиялар соҳасида етакчи ҳисобланиши, кенг инвестиция имкониятларига эга эканини таъкидлаш жоиз. Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мунтазам мулоқотлари тўғрисида Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Хусусан, 18—21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17—20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташиф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида ҳужжатлар ва идоралараро саломатлиқ ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларга эришилди.

Ийгилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил олиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил якуналарига кўра Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда юртимизда Кунчиқар мамлакат иштирокида ўттизга йўн

корхоналар фаолият юритмоқда. Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги тақлифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, “HIS” компанияси билан мейнхонхоналар қуриш, “Isuzu” ва “Itochu” билан “SamAuto” корхонаси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик энергия станциясида энергия блоклари (Навоий-3) қуриш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ийгилишда икки томонлама турли тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро таширларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланимоқда. Хусусан, ўтган йил якунига кўра икки томонлама савдо ҳамда 2018 йилдагига нисбатан 27 фоиз

жумладан, экспорт 30,1 фоиз ошди. 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоясига иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

Кореялик шериклар билан биргаликда Тошкент шаҳрида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини қуриш лойиҳаси мунаваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида “Tashkent Farma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини яратиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, виварий, фармакопоя марказини ўз ичига олган Фармацевтика техника университети ҳамда дори восителари, тиббиёт буюмлари ва техникасини ишлаб чиқариш учун саноат зонаси ташкил этишни назарда тутди.

Қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, кимё, текстиль, электротехника, фармацевтика, заргарлик саноати, таълим ва инновациялар ҳамкорлигининг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб

борилди, яна 29,6 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020 — 2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик 10 та лойиҳа ўрганилмоқда.

Корея Республикаси Эксим-банки билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига 2 миллиард долларлик ресурслар жалб қилинган ҳамда 14 та стратегик муҳим лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 608 миллион долларлик 6 та лойиҳа устида иш бошланди.

Мухтасар айтганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги таширлар якунида ишлаб чиқилган “йўл хариталари”да 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифалар белгиланди.

Ў.А.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон халқаро ислом академиясида таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Тадбир

Шу муносабат билан мазкур зиё масканига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идораларнинг вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, маънавий тарбиятчилари, диншунослар, талаба-ёшлар, хорижлик тадқиқотчилар тақдир этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, буюк аллома ва мутафаккирларнинг меросини

тадқиқ этиш, уни халқаро миқёсда тарғиб қилишда самарали меҳнати, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга, чўқур билим ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Убайдулла Уватов “Фидоқорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.



Халқ вакиллари — ҳудудларда

Ҳар бир депутат ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду таъшишини тинглаши, айниқса, ўз сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқиши керак. Бу — бугунги кун талаби.

Жорий йилнинг 19 — 22 февраль кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда бир гуруҳ депутатлар жойларда бўлиб, ўз сайловчилари билан қатор учрашувлар ўтказди, мулоқотлар қилди.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАРИГА БЕРГАН ВАЪДАЛАРИ УСТИДАН ЧИҚМОҚДА

Хусусан, ЎзЛиДеп фракцияси аъзолари ҳамда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари Қашқадарё вилоятида бўлиб, воҳадаги корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли жондорларида сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеп фракцияси раиси Ақтам Ҳайитов учрашувлар доирасида Деҳқонобод тумани ҳокимлиги қабулига келган юздан ортук фуқаролар билан мулоқот қилди.

Учрашувларда одамлар томонидан халқ ноибларига деҳқондорлик ёшларни ишсизлик қийнаётгани, аҳолининг табиий газ таъминоти қониқарсиз экани, кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда бюрократик тўсиқларга дуч келинаётгани, тоғонди қишлоқ йўллари яроқсиз холга келиб қолгани, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар талабга жавоб бермаслиги билдирилди.

Шундан сўнг, депутатлар туман аҳолисига кўрсатилмаётган тиббий хизматнинг аҳоли ва тиббиёт бирлашмаси фаолиятини ўрганишга киришдилар. Тизимда хизмат қилаётган хо-

димлар билан ўтказилган мулоқотда малакали шифокорлар етишмаслиги, “Белибойли” ва “Обод” маҳалла фуқаролар йиғинларида қишлоқ врачлик пунктлари йўқлиги тўғрисида аҳоли узоқ масофага қатнаб, сарсон бўлаётгани айтиб ўтилди.

— Қишлоғимиз кўчалари лой бўлгани учун фарзандларимиз мактабга қатнашга қийнақ учиради, — дейди касбилик Камол Яхшибоев. — Бу ҳақда маҳаллий ҳокимликка бир неча бор қилган мурожаатимиз бечасамар кетган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари келганидан сўнг, муаммолар барҳам топди. “Майманок” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Пахтазор, Юқсалиш ҳамда Мухаммад Юсуф кўчаларига партия фаоллари бўлган тадбиркорлар ва хашар йўли билан шағал-қоплама тўқилиб, йўллар тасмирлаб берилди. Бунинг учун депутатлардан миннатдоримиз. Қанийди, улар тез-тез келиб туришса, аҳолини қийнаб келаётган бошқа муаммолар ҳам бартараф этилган бўларди.



БИЗ ВА ЖАҲОН



Ўзбекистон — Туркия: ОЧИҚ, САМИМИЙ ВА ИШОНЧ РУҲИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 19-20 февраль кунлари Туркия Республикасига амалга оширган таширфи икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Буни ўтказилган музокара, эришилган келишувлар натижалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Таширф якунлари, унинг аҳамияти ҳақида туркиялик сиёсатчилар ва ишбилармон доиралар вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари қуйидагиларни сўзлаб берди:

Жевдет ЙИЛМАЗ, Туркия Буюк миллат мажлиси депутати, “Адолат ва тараққиёт” партияси раиси ўринбосари:

— Президентлар Режеп Таййип Эрдоган ва Шавкат Мирзиёев мамлакатларимизнинг биргаликда ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича ўта муҳим сиёсий қарарга эгадир. Бунга олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Барча йўналишда ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олинди, шартномалар тузилди. Ўзбекистон етакчисининг

туркиялик тадбиркорлар билан учрашуви очик ва самимий руҳда кечди. Бу мулоқот Ўзбекистонга инвесторлар оқимининг ортишига хизмат қилиши, шубҳасиз, Ишонимизки, яқин вақт ичида юртингизга кўп сонли инвесторларимиз боришади.

Шавкат Мирзиёев — давлат бошқарувини яқини билладиган ва дунёдаги воқеа-ҳодисаларни чўқур таҳлил қилиш орқали ўз мамлакатини тараққий эттиришга



қодир Президентдир. Давлат раҳбари Ўзбекистонни юқори марраларга эриштириш учун катта иродаға эга. Биз Ўзбекистондаги очиклик ва кенг ҳамкорликка қаратилган сиёсатни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Осман МЕСТЕН, Туркия парламентидagi “Туркия — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси:



— Туркия ва Ўзбекистон парламентлари ўртасидаги дўстлик гуруҳи раиси бўлиш депутатлик фаолиятимдаги энг фахрли вазифа ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон тарихимиз, маданиятимиз, динимиз бир бўлган давлатдир.

Юртингизни ота юртимиз, деймиз. Шу маънода, “Туркия — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси бўлиш менга

катта шараф бағишлайди. Ушбу вазифани ўзгача ҳаяжон ва масъулият билан амалга ошириб келмоқдам.

Сўнгги йилларда хизмат юзасидан Ўзбекистонга бир неча марта бордим. Ҳар сафар юртингиздаги сезиларли ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўндалган Мурожаатномасини диққат билан ўқиб чиқдим. Давлат раҳбари ўз халқига сунган ҳолда олдиға жуда катта мақсадларни қўйиб, бунга эришиш йўлида аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Мурожаатномада халқни ўйлантираётган муаммолар ечими ҳақида ҳам очик-ой-



ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ РАҚАМЛИ БЎЛАДИ

“Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яқини биламиз. Бирок, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртаға жуда кеч бўлади. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш — келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортукча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ таъшишга соладиган ва безовта қиладиган энг огир иллат — коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Бунни барчамиз теран англаб олишимиз даркор”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Нега бу борада бошқа соҳалар эмас, айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосий

вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди? Гап шундаки, иқтисодий ва технология тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш

Рақамли иқтисодиётнинг жаҳон мамлакатлари ялли ички маҳсулотидagi улуши



баробарида, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашиш даврини бошлаб берди. Келинг, шулар ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтамиз.



«БИЗ ҲАР БИР ДАВЛАТ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗНИ КЎЗЛАЙМИЗ»

Халқаро пресс-клубнинг Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида бағишланган навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу масалага доир белгиланган вазифалар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сессияда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари ҳам иштирок этиб, мавзу юзасидан муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтди.

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:



— Ташқи сиёсат ютуқлари ҳақида гапирар эканмиз, шунинг эътиборини ҳисобга олишимиз керакки, ҳар бир давлат ўзининг ҳақиқатини ривожланиши, шунингдек, унинг ташқи сиёсати алоҳида кўриб чиқиши мумкин эмас. Чунки бу умумий жараённинг бир қисми. Бугун дунё глобаллашув жараёнини бошидан кечирмоқда, шу асосда биз сиёсатимизни ўзгартиришимиз керак.

Аввало, айтиш жоиз, Президентимиз дилиб бораётган сиёсат, мамлакат олимлари таълимнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида янги услуб пайдо бўлди. Биз давлатимиз, жамиятимиз ўз олдига қўйган асосий мақсадларга эришдик. Прагматик сиёсатимиз тўғрисида Марказий Осиёдаги вазият ижобий томонга ўзгарди.

Шу ўринда, Туркия билан муносабатларимиз ҳақида тўхталиб ўтсам. Мустақилликка эришган йилларда Ўзбекистонда Туркия биринчи бўлиб ўз элчихонасини очди. Бизнинг ўша вақтда хорж билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ҳеч қандай тажрибамиз, қўний протоколларимиз йўқ эди. Ушундан Туркия мамлакатимиз учун 600 миллион долларлик кредит тизимини очганини. Биз бунга дори-дармон ва бошқа керакли маҳсулотларни олганим.

Айтиш керакки, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар фақат иқтисодий манфаатларга асосланмаган. Бундан ташқари, 2019 йилда Президентимиз иштирокида 18 та олий даражадаги учрашув ташкил этилди. Булар ҳақида ОАВ орқали репортажлар, кўрсатувлар тайёрланиб, аҳоли-

миз хабардор қилинмоқда. Бироқ бу жараённинг замирида ниятда машаққатли меҳнат ётади. Ушбу учрашувлар ортда минглаб таҳлиллар, ҳулосалар ва натижалар борки, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор ана шундай таҳлилларга асосланади.

Биргина мисол. Афғонистонда тинчликнинг ўрнатилиши Ўзбекистоннинг геосийоси ва геоиқтисодий жиҳатдан янги боқичқа чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, айни вақтда тарихий жараён давом этмоқда — биз Афғонистонда тинчлик битимига яқинлашмоқдамиз. Агар ҳамма жараён муаммосиз давом этса, умид қиламизки, бу мамлакатда 41 йиллик урушдан кейин тинчлик ва оқсоқиллик даври бўлади. Бутун жараён икки йил олдин, март ойида Тошкентда, Афғонистон масаласига бағишланган халқаро конференцияда бошланган эди.

Глобаллашувнинг энг асосий жиҳати, бу, боғлиқликдир. Агар бунини қайси давлат тушуниб етса, бошқа давлатлар билан очиклик сиёсатини олиб боради. АҚШ ўзининг мунтазам равишида миллий ҳафсизлик кенгаши томонидан тайёрланган Марказий Осиёга нисбатан стратегиясини кўриб чиқади ва тасдиқлайди. АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2019 — 2025 йилларга мўлжалланган янги стратегиясида нима янгилик бор? Биз учун ижобий янгилик уларнинг Марказий Осиёдаги ривожланиши ва тараққиётга қизиқиши ортди. Улар мазкур минтақанинг дунё хари-расида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим ўрин тутишини тан олишди. Минтақа давлатларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, Афғонистоннинг Марказий Осиёга интеграцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларга қўмақлашиш унинг асосий тамойилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсати фақат рационализм ва мувозанатли ёндашувлар асосида қурилган. Биз ҳар бир давлат билан ўзаро алоқада ўз миллий манфаатларимизни кўзлаймиз.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАРИГА БЕРГАН ВАЪДАЛАРИ УСТИДАН ЧИҚМОҚДА

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Китоб туманида ҳам бўлиб, қатор муаммоларни ўрганиди, уларга ечим топишга қўмақлашилди.

— Туманимизда буйрак касалликларига учраган беморлар сони жуда кўплиги учун гемодиализ аппарати етишмаяпти, — дейди Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси сунъий буйрак бўлими бошлиғи Мусохон Амиров. — Ҳозирги кунда бундай аппаратдан 2 дон мавжуд бўлиб, 10 та аппаратнинг вазифини бажаришга мажбур. Биз депутат Қарамон Эргашевдан 8 та ана шундай аппарат олишимизга амалий ёрдам беришни сўрадик.

Кафтекин томорқа бекиёс даромад манбаи саналади. Ундан ўрнида, унумли, ер илмини пухта билган ҳолда фойдаланган кишининг рўзгорига кут-баракат қиради. Бунини Қарши туманидаги «Талликурон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари аллақачон ўз тажрибаларидан ўтказишган.

Депутатлардан иборат ишчи гуруҳ вакиллари шу кишлоқ аҳолиси хонадонларига боришганда бахридил очилиб кетди. Чунки аҳоли томорқасини гулла-тиб қўйибди. Шу кишлоқнинг ўзида аҳоли томорқасида 49 та иссиқхона барпо этилган ҳам сўзимизга аниқ мисол бўла олади. Бинобарин, талликуронлик кишини-ёсин ички бозорини бод-ринг, помидор, лимон, мандарин,

исмалоқ ва кўкатлар билан таъминлаб келишмоқда.

Раъно Худойназарова 3 сотих иссиқхонасидан 30-40 миллион сўмга даромад олаётганини айтди. Помидор ва бодринг билан бирга исмалоқ, редиска ва петрушка экиб, бозорга чиқаради. Уқитувчи Нодира Раҳмонова-нинг 3 сотих иссиқхонасида бодринг пишиб ётибди. У ишдан бўш вақтда иссиқхонасида ишлаб, яхшигина даромад олаётганини, келгусида иссиқхонани янада кенгайтириш учун банкдан кредит олишда ёрдам сўради. Томорқачи кўтарган масала бўйича Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжалик-лари ва томорқа ер эгалари кенгаши жамғармаси томонидан унга 30 миллион сўм миқдорда кредит ажратилмади.

Томорқачилар депутатлар билан мулоқотда баъзи муаммоларни ҳам рўй-рост айтишди. Яъни томорқа хизмати фаолияти қониқарсиз даражада. Аҳоли минерал ва маҳаллий ўғит топишда муаммоларга дуч келяпти. Худудга мос навларни етказиб бериш, енгил конструкцияли ичмам иссиқхона ускуналари топишда ҳам қийинчиликларга учраб турибди. Бу масалалар ишчи гуруҳи томонидан назоратда олиниб, ҳал этишга қўмақлашилди.

Ишчи гуруҳи Қарши шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят бўлимида бўлиб, болалар ва аёлларда учрайдиган хавфли ўсма

касалликларни эрта аниқлаш ҳамда даволаш борасидаги ишлар билан яқиндан танишди.

Марказ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Адҳам Пармонов хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш учун уни барвақт аниқлаш, бунда жойлардаги кишлоқ оилавий поликлиникаларида бирламчи патронаж хизмати намунаси йўлга қўйилиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтди. Шифокорнинг таъкидлашича, касаллик хуруж қилганидан сўнг беморлар мурожаат қилганда ва бунда уларни даволаш жуда қийин кечаяпти. Шунинг учун ҳам жойларда назоратда турган фуқаролар тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб келинапти.

Нишонлик Шўхрат Абдиев марказда томография аппарати ишлатилганини маълум қилди. Яна бир нишонлик бемор Рўзигул Аллаева бу ерда ётиб, кардиология марказига қатнашга мажбур бўлаётганидан куюнди. Бу марказда мутахассислар камлиги учун томография натижаларини кардиология марказига бориб, ўқитиб келишапти. Марказда даволанаётган Гулнора Жўраева-нинг ўғли Шерзод шифокорларнинг кўполиги, беморларга ҳушмуомалада бўлмаганидан кўнгли оғриётганини айтирди.

Шу кунги марказ мажлислар залида ишчи гуруҳи аъзолари шифокорлар билан учрашув ўтказди. Қизгин кечган мулоқотлар чоғида фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ўртага ташланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали талабаси Фаррух Қодиров яратган инновацион технологиялар бугунги китобхона учун жуда ажойиб тўхта, десак, сира муболаға бўлмайди. Унинг дастурчи тенгдошлари билан яратган онлайн кутубхона тизими — «QR-Book stendi» ни шартнома асосида қўллаб буюртмачилар харид қилишмоқда.

— Жаҳон ва ўзбек адабиёти-нинг дурдона асарлари электрон тарзда жамланган бу онлайн кутубхона тизими орқали ҳар бир китобхона кўл телефонига ўзи истаган асарни юклаб олиши мумкин, — дейди Ф. Қодиров. — Ҳозирги кунда «QR-Book stendi» ни харид қилган китобхонлар бизга раҳмат айтишмоқда.

Талаба ўз фикрларини ишчи гуруҳи Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида талабалар билан ўтказилган учрашувда айтиб ўтди.

Мулоқотда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ёшларга кенг тушунтириб ўтилди. Тадбирда сўз ошганда бу галли Мурожаатнома мазмунда, мамлакатимизни янада юксалтириш, тараққиётини таъминлашга қаратилганини айтиб, унда айниқса, замонавий билим ва кўникмаларга эга, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашга алоҳида эътибор берилганини таъкидлади. ЎзЛиДеП раҳбари иқтидорли та-

лаба кашфиётларига юқори баҳо бериб, бундай иқтидорлиларни партия доим қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ишчи гуруҳи аъзолари ёшларнинг таклифларини ўз «ён дафтари»га қайд этар экан, булар вақти келиб, парламентда қонунларни қабул қилишда, ўзгартишлар киритишда асқатиши мумкинлигини билдирди.

Албатта, депутатларнинг аҳоли билан ўтказиётган бу каби учрашувлари, жонли мулоқотлари мунтазамлик касб этади. Зеро, ҳар бир сиёсий партия сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқишга астойдил интилоқда. Бу жараёнда парламент аъзолари халқнинг уларга билдирган ишончини оқлаш учун доим одамлар билан мулоқотда бўлиши кераклигини, энг чекка-чекка худудларга ҳам бориб туриш лозимлигини тобора чуқур англаб етмоқда.

Ўз навбатида, юртдошларимиз ҳам парламент вакилларида фаолиқни, халқ учун қайғуриш ҳисси янада ошиб бораётганини ҳис қилаётганини, жойларда йиғилиб қолаётган масалаларни очик-ойдин айтиши имкони яратилаётганидан мамнун эканини яшириб ўтирмапти.

Аслида ҳозир Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган демократик ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам ана шунга — халқимизнинг ишончини оқлашга, меҳрини қозонишга эришишдир.

«Халқ сўзи».

ТИББИЁТ ТИЗИМИГА ЁПИШГАН «ЗАРПЕЧАК»

Унинг илдизи қачон қиртилиди?

Президентимиз томонидан тиббиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа ходимлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганига қарамай, тизимда турли қонунбузилиш ҳолатлари, порахўрлик, тамагирлик, товламачилик, ўз ишига масъулиятсизликка муносабат ҳали ҳам давом этаётгани бор гап. Тизимга гўё зарпечак нисоли ёпишган бундай иллатлар унинг тараққий этишига мулқтоқо йўл қўймапти, аксинча, аҳолининг тиббий хизматга бўлган ишончига жиддий пугур етказилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмиталари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тизимда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муносабати муносабатни шакллантириш борасидаги ишлар ҳақидаги ахборотини эшитишга бағишланган йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

— Соҳага эътибор давлат даражасида, — дейди Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Мақсуда Ворисова. — Ҳозир узоқ йиллар ушбу соҳада ишлаган, уни ичидан биладиган инсон сифатида айта оламани, ўзарилар бор. Тиббий хизмат сифати ҳам яхшиланмоқда. Лекин

соҳада кузатилаётган коррупция ҳали бартараф этилгани йўқ. Маълумотларга қўра, 2018-2019 йилларда соғлиқни сақлаш ходимларининг 581 нафари турли жиноятлар содир этиб, жавобгарликка тортилган. Шулардан 114 нафарининг қилган қилмиши коррупцион жиноят ҳисобланади.

Депутатлар таъкидлаганидек, соғлиқни сақлаш тизимида кадрларни, айниқса, ҳамшираларни ишга қабул қилиш шифоф эмаслиги, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократия ва сансалорликнинг мавжудлиги тизимда коррупция учун шароит яратмоқда. Айрим шифокорларни кўнгли тўлғунча рози қилмасанг, беморга қарамайди. Тамагирларнинг сони ортиб бормоқда. Танишинг бўлмаса,

пешонангдан кўрасан. Демак, бу иллатга қарши курашиш янада кучайтирилиши лозим, дейиши йиғилиш иштирокчилари.

Мавзу долзарб. Шу боис ахборот беришчиларга қўллаб-қувватлаш берилди. Жавоблардан қониқис хосил қилинмади.

Йиғилишда коррупцияга қарши курашда ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳада электрон хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш, ҳужжатларни расмийлаштиришда илгор ахборот технологияларини хаттага татбиқ қилиш орқали инсон омилини қисқартириш юзасидан таклифлар билдирилди. Шу билан бирга, кадрларни қабул қилиш ва жой-жойига қўйиш тизимини қайта танқидий кўриб чиққан ҳолда, бу соҳада шифофликни таъминлаш, вазирлик ва унинг тизимида «коррупцияга қарши ички аудит» тизимини доимий олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Вақт — олий ҳакам. Тиббиётда коррупциянинг илдизини батамом қиритишда эса фурсатини бой бермаслик зарур.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ОЗОДЛИК ҚАДРИ

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 58 нафар фуқаро афв этилди. Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кеңиримлик ва олийжаноблик каби эзгу фазилатларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бундай гамхўрликдан афв этилганлар, уларнинг оила аъзолари беҳад миннатдор. Буни уларнинг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Шукроналик

Бу бахтни энди қўлдан бой бермайман...

Содир этган хатоим учун жиноий жазога тортилган, оила аъзоларим кўз олдимдан ўтди. Улар бебаҳо бойлик эканини чуқур ҳис этдим. Астойдил пушаймон бўлдим. Озодликка чиқсам, албатта, ҳалол меҳнат қиламан, оиламга бош бўлиб, қўлимдан келганича жамият ривожига ҳисса қўшаман, дея ўзимга-ўзим сўз бердим. Афв этилишим ана шу катъий қароримни амалда исботлаш учун имконият эшикларини очди.

Бу борада Олтинқўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари яқиндан ёрдам бердилар. Энг аввало, фуқаролик паспорт олишимга, соғлиғимни тиклашга, рўзгоримни бутлашга яқиндан қўмақлашдилар. Шундан сўнг доимий иш жойи билан

таъминландим. Айни пайтда «Махсус идеал бунёдкор» МЧЖда фаолият юритяпман. Вилости-миздаги бинолар қурилишида иштирок этаман.

Очиғи, пешона тери билан топилган нон, риққ одамга барибир бошқача татийди. Бунин мен юрагимдан ўтказиб айтилман. Хар кун ишга яхши кайфиятда келиб, яна шундай кайфиятда оилам бағрига шошаман. Бу шундай бахтиримни амалда исботлаш учун имконият эшикларини очди.

Бу борада Олтинқўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари яқиндан ёрдам бердилар. Энг аввало, фуқаролик паспорт олишимга, соғлиғимни тиклашга, рўзгоримни бутлашга яқиндан қўмақлашдилар. Шундан сўнг доимий иш жойи билан

Сарварбек РЕЖАББОВ.
Олтинқўл тумани,
«Орс» МФЙ.

Фарзандларини юртга муносиб этиб тарбиялайман

Ёшлиқ қилиб адашдим. Саккиз йилга озодликдан маҳрум этилдим. Лекин Президентимиз, халқимизнинг бағрикенглиги, кеңиримлиги тўғрисида муқаддас овозларимдан аввал шартли равишда озодликка чиқарилдим.

Хали уйга қилиб келар-келмас нафақат яқинларим, балки маҳалла-қўй, давлатимиз гамхўрлигини ҳис этдим. Вилоят ҳокими бошчилигидаги мутасаддилар билан учрашдик. Суҳбат давомида юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглигининг мазмун-

моҳиятини янада чуқур англаб етдим. Менга туман «Ижтимоий кўникма» маркази томонидан бир марталик моддий ёрдам берилди. Маҳаллада мураббий бриктирилди. Тиббий кўрикдан ўтдим. Иш билан таъминландим. Бу эътибор ва гамхўрлик ҳалол меҳнат билан, фарзандларимни юртимизда муносиб инсонлар этиб тарбиялаш билан жавоб бериш ниятидаман.

Азизбек АБДУНОСИРОВ.
Ғижувон тумани,
Бобур маҳалласи.

— Ўғлим чиқиб келгунча кўнглимга қил ҳам сизмасди, — дейди Азизбекнинг онаси Назолат Тойирова. — Эшик «тик» этса, юрагим халқимиз кетарди. Отасининг йўлига интизор невараларимга боқиб ўқинар эдим. Шукр, энди ҳаммаси ортда қолди. Президентимиз томонидан бир гуруҳ юртдошларимиз қатори ўғлим Азизбек ҳам афв қилинди. Минг марта раҳмат айтаман.

«Халқ сўзи».

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ЕТАРЛИЧА ОЛИБ БОРИЛМАЯПТИ, ОҚИБАТДА...

«Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз хонадон», «Хавфсиз туризм»... Кейинги йилларда мамлакатимизда тинчлик-оқсоқиллик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ана шундай концепцияларга катта ургу берилаяпти.

Ҳўш, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиш ҳолати, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги қандай?

Таҳлил

Бош прокуратурада ўтказилган Жиноятчиликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида шу каби саволларга дахлдор таҳлиллар ўртага ташланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятидаги тизимли камчиликлар танқидий муҳокама этилди.

Видеоселектор тарзида кенган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси вакиллари, Олий суд, прокуратура, ички ишлар, Миллий гвардия, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбар-ходимлари қатнашди.

Сўнги уч йилда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича муҳим ҳаётий та-

чисида жиноят қайд этилмади. Лекин ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида айрим камчиликлар ҳам мавжудки, улар тизимдаги ислохотларга соя соломқда.

Бош прокурор Н. Йўлдошев қайд этганидек, ўтган йили жиноятлар сони Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқориликка қолган. Қотиллик жинояти Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида, оғир шикаст етказиш Қашқадарёда, номусга тегиш Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий ва Қашқадарёда, босқинчилик Сирдарё, Навоий ҳамда Қашқадарё вилоятларида сезиларли даражада ошган.

Профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида 51 туман ва шаҳарда қотиллик жинояти кўпайган. Бунга аксарият ҳолларда оила-турмуш ва оддий маиший муносабатлар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги келиш-мовчиликлар тўлиқ бартараф этилмаётгани, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда-

2019 йилда профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида **51** туман ва шаҳарда қотиллик жинояти кўпайган.

мойиллар татбиқ этиляпти. Олиб борилган ислохотлар натижасида ўтган йилда умумий жиноятлар қарийб 3 минггага ёки 6 фоиз камайиб, юртимизда қримноғен вазият барқарорлиги сақланди. Мавжуд 9 мингдан ортиқ маҳаллалардан 3074 таси ёки ҳар учин-

ги ишлар тизимли йўлга қўйилмагани сабаб этиб кўрсатилди. Ушбу жиноятларнинг 28 фоизи эр-хотин, ака-ука, ота-ўғиллар ўртасида юз бергани ачинарли ҳол, албатта.

Айрим вилоятларда маст ҳолда жиноят

Аёллар томонидан босқинчилик билан боғлиқ **11, 38 та** қотиллик, **75 та** оғир тан жароҳати етказиш, **484 та** ўғрилик, гиёҳванд моддалар муомаласига дахлдор **202 та** жиноятга қўл урилган.

32 нафар маҳалла раиси, 16 нафар посдон ва қотилбар турли жиноятларга қўл урган.

Йиғилишда хотин-қизлар кўмиталарининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш борасидаги фаолияти ҳам кўтилган самарани бермаётганилиги кўрсатиб ўтилди.

Бундай камчиликлар инобатга олинб, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани, эндиликда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлашти-

риш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилиши қайд этилди. Жумладан, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий этилади.

Яна бир муҳим масала, бу — ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Туркия:

ОЧИҚ, САМИМИЙ ВА ИШОНЧ РУҲИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:



— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга амалга оширган таърифи аввалгиларидан жуда катта фарқ қилади. Охириги уч йил мобайнида давлатимиз раҳбари юридаётган сиёсат тўғрисида янги давр бошланди. Туркия ва Ўзбекистон алоқала-

ри изчил ривожлантипти. Кун тартиби янада кучайпти. Давлатларимиз ўртасида Стратегик ҳамкорлик кенгаши тузилди. Икки томонлама учрашувлар дўстона, ўзаро ишончга асосланган руҳда бўлди. Буни бир қанча мисолларда кўриш мумкин. Биринчидан, мазкур мулоқотлар икки ярим соатдан зиёд вақт давом этди. Президентлар долзарб масалаларни тилга олиб, аниқ амалий натижалар бўйича фикр-мулоҳазалар келтирилди. Ҳозирги кунда барча бўлаётган ишлар ана шу

ишонч асосида давом этапти.

Туркия раҳбарияти Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлашни айтиб, икки томонлама алоқаларни, айниқса, Президентимизнинг минтақада юридаётган сиёсатига жуда юқори баҳо берди. Нега деганда, бу сиёсатнинг асосий мақсади бизнинг умумий уйимиз — Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган. Улар бу ислохотга ишонди ва Президентимиз сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.



Болент ЭКЗАЧИБАШИ,
“Экзачибаши групп” компанияси бошқарув кенгаши раиси:

— Компаниямиз 80 йиллик таърибига эга бўлиб, турли йўналишларда фаолият юрилади. Асосан, керамика маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Бундан ташқари, кончилик соҳасида ҳам таърибига эгамиз. Умуман, кўп йўналишларда инвестицияларимиз бор. Улар қаторида пардоз маҳсулотлари, дорилар ишлаб чиқаришни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга таърифи биз учун гоятда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон — инвестиция киритиш учун дунёда энг жозибадор мамлакат бўлишига ишонамиз. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам фаолиятимизни босқичма-босқич ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Ўзбекистон Президенти биз билдирган таърифларни диққат билан тинглаб, ижобий қабул қилди. Шунингдек, биз Президентга ёзган мактубимизни ҳам тақдим этдик.

«Халқ сўзи».

Таассурот

Кун кеча Озарбайжон Республикасининг Боку шаҳрида Алишер Навоий ижодий меросига бағишланган илмий-адабий тадбирларда иштирок этиб, олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг тили, аънава ва урф-одатлари бир-бирига нечоғли яқин эканлиги, икки мамлакат маданий ришталарни умумий қадриятлар сифатида қадрлаб, уларни мустақамлаб келаётганига яна бир қарра амин бўлдик.

ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚИ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА ЧЕКСИЗ ҲАЙРАТУ ҲАВАС БИЛАН ҚАРАЙДИ

Айтиш лозимки, бутун туркий халқлар адабиётининг буюк намоёнаси, мутафаккир шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби, илм ҳамда адабиёт ҳомийси ҳазрат Навоий озарбайжон халқи фахри Низомий Ганжавий аънаваларини давом эттириб, илк бор туркий тилда “Хамса” достонини яратган. Достонларида Низомийни фахр билан тилга олиб, унга чексиз ҳурматини, ихлосини баён этган. Кейинчалик ҳам адабий алоқалар тўхтаб қолмади. Озарбайжон адабиётининг улғув вақилларидан бири Муҳаммад Фузулий Навоийни ўзига устоз билиб, унга эрғашиб, газалларида назирлар битди.

Боку шаҳридаги Алишер Навоий хайкали пойида ўтган маданий тадбирда буюк ҳудудимиз ижодий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, унинг барча халқларни, жумладан, туркий улусларни дўстлик байроғи остида бирлаштириш йўлидаги муҳим ўрни хусусида фикр юритилди.

Озарбайжон халқи Алишер Навоий ижодига чексиз Ҳайрату Ҳавас билан қарайди. Хусусан, Озарбайжон Миллий илмлар академиясига қарашли Низомий Ганжавий номидаги Тил ва адабиёт институтида ташкил этилган конференция ҳаяжонли олар билан бошланди. Қизгин ва самимий руҳда кечган илмий анжуман давомида ўзбек ва озарбайжон олимларининг ўндан зиёд маърузалари тинланди.

Бу ерда Алишер Навоий меросини таърифи илмий марказ очилди ва бу даргоҳда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 100 дан зиёд ўзбек адабиёти, жумладан, Навоий ижодига оид китоблар тақдим қилинди. Шундан сўнг кўп йиллардан бундан улғув мутафаккир ижодий мероси ва ўзбек адабиётини тарғиб қилиб келаётган озарбайжонлик фидойи олимлар Акиф Бағиров ва Алмас Улви Биннатовага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолиги гувоҳномаши топширилди.

Таърифи давомида Озарбайжон миллий илмлар академиясининг замонавий

қулайликларга эга бўлган бой кутубхонаси фаолияти билан танишдик. Бу ерда сақланаётган нодир китоблар мутахассис олимлардан катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонлик меҳмонларни Озарбайжон Ёзувчилар бирлигининг раиси Анор Муаллим қабул қилди. Жонли мулоқот чоғида ўзбек ва озарбайжон адабий алоқаларининг бугунги ҳолати, келажақда бирга қилинадиган ишлар бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Муҳаммад Фузулий номидаги кўлёмалар институтига ҳам бўлдик. Ушбу илм даргоҳида сақланаётган ноёб кўлёмалар бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Алишер Навоийнинг бир неча аср олдин оққа кўчирилган нодир девонларини чексиз ҳаяжон билан варақлаб кўрдик.

Умуман олганда, барча тадбирларда Алишер Навоийнинг бебаҳо адабий мероси ва эзгу ишлари чексиз Ҳайрату Ҳавас билан тилга олинди. Бу улғув асарларидан ўлмас гоёларни тарғиб этиш ҳамма олимларнинг, биринчи гада, туркий дунё зиёлиларининг бурчи экани таъкидланди.

Бокудаги адабий-илмий анжуманлар жараёнида озарбайжонлик олим ва адибларни 12 — 14 апрель кунлари Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон — Озарбайжон: адабий алоқалар масалалари” мавзусидаги халқаро илмий анжуманга таъриф этдик. Озарбайжонлик дўстларимиз бу таърифни бажонидил қабул қилишди.

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, Низомий Ганжавий номидаги Тил ва адабиёт институти фахрий доктори.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Муқофотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Рустам Қосимов топширди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугун юртимизда илм-маърифатни янада раванқ топтириш, олимларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади. Салоҳиятини илм-фанга бахшида этган, миллий тарих ва манбаъшунослик фанини ривожлантириш, ажодлар меросини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган устоз-мураббий Убайдулла Уватов халқимиз ардоғида, давлатимиз эътиборида. Олимнинг давлатимиз раҳбари томонидан юксак ордан билан муқофотланиши бунинг исботидир.

Айтиш жоизки, У. Уватов буюк ажодларимиз — Имом Вазирхорий, Имом Термизий, Ҳасан ат-Термизий, Имом Мотуридид, Махмуд Замахшарий, Абу Муъин Насафий ҳақида биринчилардан бўлиб ўзбек тилида илмий-маърифий рисолалар нашр этди. Унинг фаолияти ҳозирги кунга қадар давом этиб, 70 дан ортиқ мутафаккир бобо-ларимиз, уларнинг ижоди ҳақидаги қиматли маълумотни ўзида жамлаган “Буюк юрт алломалари” китобига асос бўлиб хизмат қилди. Таъриқотлари Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, Россия, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатларда нашр этилган.

— Бугун ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман, — дейди Убайдулла Уватов. — Эндиликда барча-миз тарихий янгиланиш, шиддатли ривожланиш жараёнининг гувоҳи бўлмоқдамиз. IX — XII асрлар Мовароуннаҳрда тарқиёт палласи, Ҳадис илмининг олтин даври деб ҳисоблана, бугунги кунларимизни ҳам янги Ўзбекистон тарихида олтин давр бошланган жараён, деб муболағасиз айтиш мумкин. Бундай самимий эътиром, илму маънавият ривожидида амалий гамхўрлиги учун Президентимиздан чин юракдан миннатдорман.

Тадбирда олим ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида фильм намойиш этилди. Унинг китоблари кўргазмаси уюштирилди.

«Халқ сўзи».

ИЛМГА АСОСЛАНГАН ИСЛОХОТЛАР ЯЙЛОВЛАРИМИЗНИ ИНҚИРОЗДАН, КЕЛАЖАК АВЛОДНИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРДАН АСРАЙДИ

Ўзбекистонда энг жиддий экологик фожа деганда барчамизнинг кўз ўнгимизда, аввало, Орол денгизининг қуриши яққол намоён бўлади. Бироқ мамлакатимизда яна бир бетакрор табиий бойлигимиз — яйловларимизнинг бугунги аҳволига чуқурроқ назар ташласак, унда Орол денгизининг ачинарли тарихи ва тақдирини кўриш қийин эмас. Инсоният тарихининг энг қадимий маданиятларидан бири қорвачилик бўлса, шубҳасиз, яйловлар асрлар давомида унинг ягона табиий манбаи бўлиб хизмат қилган. Афсуски, сўнгги асрга келиб ушбу тарихий тизимнинг издан чиқиши, худди Орол денгизи каби яйловларни ҳам қўлдан бой

беришга олиб келмоқда. Демак, бу тармоқ учун ҳам замонавий илм-фан ва технологиялар ҳар қачонгидан зарур. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилгани айни мuddаодир.

Бугун юртимизда иқтисодиётимиз таянчи — фундаментал фанлар, хусусан, математика, геология, кимё ва биологияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, биология фанининг ривожланиши ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган табиий ресурслар ва уларни муҳофаза этишга бевосита хизмат қилади.

Нуктаи назар

Республикамиз ҳудудининг қарийб ярми табиий яйловлардан иборат. Кўпчиликка яйловлар аҳамиятсиздай туюлиши мумкин. Аслида эса одамларнинг фаровон турмуши кўп жиҳатдан яйловлар ҳамда ундаги табиий ресурсларга бевосита боғлиқ. Бироқ сўнгги йилларда яйловлардан оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва назорат қилиш тизимининг издан чиқиб кетиши бир қатор жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Мутахассислар фикрича, яйловларнинг камиди 50 — 60 фоизи турли даражада инқирозга учраган. Миллионлаб гектар шундай ерлардаги ўсимликлар сийрақлашиб, уларнинг ем-хашак ҳосилдорлиги бир неча баробар камайган. Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган майдонларнинг ортиб бориши чўлланги жараяни кучайишига ва экологик инқироз даражаси ортишига олиб келмоқда. Бундай кескин вазиятнинг вужудга келиши, ўз навбатида, шу ерда яшовчи аҳолининг нафақат бугунги ҳаётига, балки келажақига ҳам катта ҳавф тугдирди. Яйловларнинг ҳозирги ҳолати асосли равишда соҳа вақилларини, айниқса, ушбу ҳудудларда яшовчи маҳаллий аҳолини жиддий ташвишга солади.

Кайд этиш жоизки, сўнгги пайларда республикамизда вазиятни юмшатиш ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш борасида муҳим қадамлар ташланган, бир қатор ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар амалиётга киритилди. Хусусан, 2019 йилнинг 20 майда Юртбошимиз томонидан имзоланган ва давлатимиз тарихида илк мартаба “Яйловлар тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган бўлса, унинг ижросини таъминлаш мақсадида Президентимиз Фармон ва қарорлари,

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Бу мазкур йўналишдаги муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари яратилганидан далолат беради. Лекин таъкидлаш керакики, ушбу ҳужжатлар асосида соҳа мутахассислари ҳамда олимлари томонидан энг яхши илмга асосланган ислохотлар ишлаб чиқиши зарур. Чунки бугун яйловлардан оқилона фойдаланиш ва бошқариш соҳасида қатор муаммо ва масалалар ўз ечимини кутмоқда. Назаримизда, улардан энг биринчиси ушбу йўналишда малакали мутахассислар етишмаслигидир. Биргина мисол, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги қарори ижросини таъминлашда республикамиздаги 21 млн. гектар яйловни геоботаник баҳолаш белгиланган. Ваҳолонки, яйловшунос ва геоботаник мутахассислар камлиги босиб бу вазифа талаб даражасида бажариламапти. Чунки республикамизда олий таълим тизимида яйловшунос ёки геоботаник кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилмаган. Шу нуктаи назардан, замонавий билимга эга соҳа мутахассисларини тайёрлашга мазкур тармоқни ривожлантиришнинг энг устувор вазифаларидан бири сифатида қараш керак. Бу борада АҚШда ўтган асрнинг биринчи чора-ғарида 15 та университетда, ҳозирги кунда эса 25 та университетда айнан яйловшунос мутахассислар тайёрланади. Республикамизда, айниқса, чўл минтақаси худудлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари)да жойлашган олий таълим муассасаларида яйловшунос ҳамда геоботаниклар тайёрлайдиган янги таълим йўналишларини очиб, хусусан, Яйлов экологисини кафедраларини ташкил этиш мақсада мувофиқдир. Қолавер-

са, республикамиз олий таълим даргоҳларида табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган алоҳида факультетларга ҳам эҳтиёж катта.

Бундан ташқари, қарорда назарда тутилган яйловларни геоботаник баҳолаш ишлари ҳам, асосан, ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар асосида амалга

ва тиклаш, асосан, фитомелиорация ишлари орқали амалга оширилган. Кенг майдонларда озуқабоп ем-хашак катта миқдордаги техника ва ёқилги-мойлаш ҳаражатлари завзига экилган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мазкур усул нафақат иқтисодиёт, балки экологик жиҳатдан ҳам ўзини оқлаши қийин. Мамлакатимизда инқирозга учраган яйловлар кенг майдонни эгаллагани ва

“Бизда яйловлар бошқарувини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи ҳам мавжуд эмас. “Яйлов тўғрисида”ги Қонунда белгиланган давлат ташкилотларининг масъулиги уларнинг қўллаб-вазифаларидан фақат биттасини ташкил қилади, холос. Оқибатда яйловлардан тўғри фойдаланиш, у ерда сақланаётган чорва моллари бош сонини назорат қилиш ҳамда ноқонуний фаолиятларнинг олдини олиш каби масалалар эътибордан четда қолмоқда.

оширилмоқда. Яйловлар ҳолатини баҳолаш, инқирози даражасини аниқлашнинг замонавий ёндашувлар билан уйғунлашган усуллари ишлаб чиқилмаган. Шу босиб бугун 21,1 млн. гектар яйлов қандай экологик ҳолатда эканлигини айтиб бериш мумкин. Ваҳолонки, мутахассислар таҳлилича, яйловларнинг асл ҳўжалик имконияти ва экологик ҳолатини билмасдан туриб, улардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб мураккаб.

Ўзбекистонда яйловлардан фойдаланишнинг сўнгги 50 — 60 йиллик тарихига назар ташласак, уларни яхшилаш



уларнинг қўллаб-вазифаларидан фақат биттасини ташкил қилади, холос. Оқибатда яйловлардан тўғри фойдаланиш, у ерда сақланаётган чорва моллари бош сонини назорат қилиш ҳамда ноқонуний фаолиятларнинг олдини олиш каби масалалар эътибордан четда қолмоқда. Бу ишларни яхшилаш учун яйловлар инспекцияларини ташкил қилиш зарур. Мазкур инспекциялар яйловлардан фойдаланишнинг назорат остига олиб, маҳаллий аҳоли ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида муҳим бугун вазифасини ўтайди.

Тан олиш керак, ҳозирги кунда республикамиз яйловларидан инсон ҳўжалик фаолиятининг катта босими вужудга келган. Ақсарият ҳолларда табиий ресурслар, шу жумладан, яйловлар фақат фойда манбаи бўлиши лозим, деган қарар ҳўки сурмоқда. Бундай ёндашувнинг салбий оқибати ва зарарини англаш учун айрим давлатларнинг яқин ўтмишидаги таърибига назар ташлаш керак. Масалан, XIX асрда “Табиий ресурслар чексиз”, деган тўшунча билан АҚШ ва Испанияда яйловлардан беаёв фойдаланилган. Кўп ўтмай, яъни XIX асрнинг биринчи чорағарида йўл қўйилган хатоликлар ўзининг салбий жиҳатларини кўрсата бошлаган. Яъни ушбу давлатларда йирик чанг буронлаш кузатилган. Тупроқ ва ўсимлик олами кескин инқирозга учраган. Иқтисодиёт, ижтимоий ва экологик муаммолар вужудга келган. Шундан сўнг табиий ресурслардан фойдаланиш тизими ҳар томонлама ислох этилган. Бундай хато ва камчиликларни бугун биз ҳам тақорлашимиз шарт эмас. Чунки ресурслар йўқотилганидан кейин уларни ўз ҳолига қайтаришга ҳарчанд уринмайлик, олинган фойда етказилган зарарини асло қопламайди.

Ачинарлиси, бундай оқибатларга ўзимиз ҳам дуч келямиз. Гап шундаки, 2018 йилнинг баҳорида Орол денгизининг қуриган тубидан кўтарилган туз ва чанг тўзонлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ерларини қоплади. Қутилмаган офат экинларга зиён етказди, аҳоли саломатлигига катта ҳавф тугдирди. Бу ҳолат нафақат ушбу ҳудудлар, балки бутун мамлакат

аҳлини ташвишга солди. Денгизнинг қуриган тубиди осон кўчүчи кум-тупроқ қопламани мустаҳкамлаш ҳамда ўсимликлар билан қоплаш бўйича узоқ муддатли стратегик режа ишлаб чиқилди ва бу ҳаракат жўхон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу режа асосида қисқа муддатда 500 минг гектар майдонда қурғоқчиликка ва шўрға чидамли ўсимликлар экилди. Жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу сўнгги 25 — 30 йил ичида Оролбўйидаги экологик вазиятни юмшатиш йўлида амалга оширилган энг йирик амалий ҳаракат бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.

Аҳоли сонини ортиб боришини инобатга олсак, кейинги 20 — 30 йил ичида сифатли ва етарли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаласи янада жиддий тус олади. Мазкур муаммонини ҳал этишда муайян ҳудудлардаги яйловлардан фойдаланишга мажбур бўлишимиз мумкин. Бундай шароитда яйловлар қисқариши ва уларда антропоген босимнинг ортиши табиий. Шундан келиб чиқиб айтилган бўлсақ, бу борада амалдаги ёндашувларни ижобий томонга ўзгартирмас эканми, яйловларнинг ҳолати кундан-кунга ёмонлашиб, яқин келажақда янада танг аҳволга тушиб қолиш эҳтимоли юқори.

Бугун бир вақтлар тўлқинлари мавж урган Орол денгизини ўрнида “Оролқум” пайдо бўлганини кўриб турибмиз. Шундай экан, табиий ва тарихий яйловларимизни ҳам ачинарли ҳолга келтиришга ҳаққимиз йўқ. Муаммоларни ҳал этиш ва улардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш соҳа вақиллари олдидаги кечиктириб бўлмас вазифалардан биридир.

Ўзбекистонда яйлов соҳасида муҳим ислохотлар даври бошланди. Яйлов бошқарувида ишлаб чиқиладиган ва жорий этиладиган ҳар қандай ислохотлар эса фақатгина энг яхши илмга асосланган зарур. Зеро, илмга таянган ислохотлар ҳамиятимизни навбатдаги эҳтимолий экологик инқироздан қутқаради.

Тошўплат РАЖАБОВ,
Самарқанд давлат университетининг халқаро таълим дастурлари факультети ректори.

ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ РАҚАМЛИ БЎЛАДИ

Атама қачон вужудга келган? Моҳият нимада?

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси биринчи бўлиб 1995 йилда Дон Тепкот муаллифлигида чоп этилган “Рақамли иқтисодиёт: тармоқли интеллект асрида ваъда ва хавф-хатар” (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) асарида алоҳида тушунча сифатида истилоҳ этилган. Унда фундаментал инновациялар (яримўтказгичлар, процессорлар), асосий технологиялар (компьютерлар) ва боғловчи инфратузилмалар (интернет ҳамда телекоммуникация тармоқлари) рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмлари сифатида ажратиб кўрсатилган.



Рақамли иқтисодиёт икки хил йўналишни ифода қилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт, бу — тараққиётнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот маълумотларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт, бу — ўзига хос тушунча бўлиб, унинг ўрнини объект ахборотлашган жамият ҳисобланади. Бугунги шиддатли глобал иқтисодиёт шароитида рақамли иқтисодиёт ўз ривожланишининг бошланғич даврида турибди. Замонамизнинг рақамли ахборот босқичига ўтишига эса атиги бир неча ўн йил қолди, холос.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт, бу — жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида қатор ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ҳамда етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон яратувчи, рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий

ишлаб чиқариш омили ҳисобланган фаолиятдир.

Айни пайтда катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари (Big Data), сунъий интеллект, нейротехнологиялар, квант технологиялари, буюмлар интернет, робототехника ва сенсорика, рақамли электрон платформалар, булутли ва мобил технологиялар, виртуал ҳамда қўшимча реаллик технологиялари, краудсорсинг, блокчейн технологиялари, криптовалюта, шунингдек, ICO, 3D-технологиялари сингари рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этиб боряпти.

Экспертлар рақамли иқтисодиёт ҳозир мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида беқиёс ўзгаришлар келтириб чиқаради, дея беҳиз таъкидлашмаяпти. Хусусан, Жаҳон банки вакиллари баҳолашларича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоиз кўпайиши миллий иқтисодиётлар ялпи ҳажмини ҳар йили ўртача 0,4-1,4 фоиз ошириши имконини беради.

куни ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишланган тадбирда келтирилган статистик маълумотларига мувофиқ, АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,9, Хитойда 10, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди.

Рақамлаштиришнинг аҳамияти ҳамда таъсири қанчалик ортиб бораётганини баҳолаш учун сўнги ўн йилликдаги бир неча йиллик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг жаҳон бозоридаги капиталлари улушини кўриб чиқиш кифоя. Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси маълумотларига қайд этилганидек, бу кўрсаткич 2009 йилда 16 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилнинг охирига келиб 56 фоизга етган.

Дунё ҳамжамиятида рўй бераётган бундай жадал ўзгаришлар ва рақобатнинг кескинлашуви жараёнида инновациялар ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этишдан туриб, яқин ва узоқ келажакда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқалишини, унинг рақобатдошлигини таъминлай олмаймиз. Бу эса, ўз навбатида, илмий ва амалий ҳаракатларни кучайтиришни талаб этади.

Бу борада сўнги йилларда миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим қадамдир. Зотан, унда нафақат ҳозирги давр, балки келажак учун ҳам муҳим ҳисобланган энг асосий вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра, инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасидаги фаолият, жумладан, майнинг, смарт-контракт, консалтинг, эмиссия, айир-бошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамовий молиялаштириш) технологиялари жорий этилмоқда.

Айни чоғда блокчейн технологияла-

базани яратиш устида ишлар олиб борилаётган.

Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш ҳам долғимий эътиборда турибди.

Мамлакатимизда “Электрон ҳуқумат” тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади маълумий тартиб ва таомиллардан ўтишни содда-лаштириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

Белгилаб олинган асосий вазифалар ижросини амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимизда рақамли жамиятнинг раванқ топтириш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратиш, бюрократик тўсиқлар ҳамда коррупциявий омиллардан холи самарали, очик давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш борасида кўзланган мақсадга эришиш учун бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳасини рақамли технологиялар асосида янгилашга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият қаратилмоқда. Бу йўлда Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши эса ялпи ички маҳсулот ҳажмининг қўшимча 30 фоиз ўстириши имконини яратади.

Ҳаммасини тубдан ўзгартирадиган вақт келди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном бериш тақлифи илгари сурилиши том маънода Ўзбекистон ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда тарихий бўрилиш даври бошланганини тасдиқлади. Бундан кўзланган пировард мақсад мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатдор иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришдир.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида юртимизнинг иқтисодий тараққиётини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур қилиш қийин. Тадиқотлар натижаларига кўра, 2022 йилга келиб глобал ЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлиши тахмин қилинаётган. Лекин халқаро ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлатлар ичида 103-ўринни эгаллаб туришининг ўзи мамлакатимизда бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан далолат беради.

Президентимизнинг таъкидлашича, “...юртимиз халқаро ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқада. Аксарият вазирлик ва идоралар, қорхоналар рақамли технологиялардан мулқдор йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблаг ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яқин биламиз. Бирок, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз? Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш — келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортқча ҳаражатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда

қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат — коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин”.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, рес-

иқтисодиёт янги хавф-хатарларни вужудга келтириши мумкин, шу жумладан, киберхавфсизлик таҳдидлар, ноқонуний иқтисодий фаолиятнинг енгиллашуви, шахсий ҳаёт дахлсизлигининг бузилиши билан боғлиқ сабабларни келтириш мумкин. Янги қарор қабул қилиш ҳужжатлари, фуқаролик жамияти, академик гуруҳлар, илмий ҳамжамият ва технологик секторларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб этади”.

Рақамлаштиришдан олинадиган самаралар

Иқтисодий самаралар	Ижтимоий самаралар
<ul style="list-style-type: none"> Иқтисодий ўсишга сезиларли ҳисса қўшади. Тегишли тармоқларда иш ўринлари сони 3 — 5 баробар ошишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигини оширади. Кичик ва ўрта бизнеснинг ўсиш суръатларини тезлаштиради. 	<ul style="list-style-type: none"> Инклюзивликни оширади ва камбағалликни камайтиради. Тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти ва сифатини оширади. Умумий таълимга харажатларни камайтиради ва қамровини кенгайтиради. Атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтиради. Жиноятчиликни қисқартиради, коррупциянинг олдинчи олдиди, молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширади, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди.

публикаимиз ҳаётида рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан фаолият кўрсатишда. Жумладан, ҳужжатлар ва коммуникацияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилиши хисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таъбири билан айтганда, “рақамли

Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиёт миқёсининг кенгайиб боришида халқаро ҳамкорликни имкон қадар кучайтириш зарур. Шу ўринда мамуният билан айтиш жоизки, Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган тадбирлар чоратадбирлар натижасида 2019 йилда Киберхавфсизлик глобал индексида 41 поғонага кўтарилиб, 52-ўринни эгалладик.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, инсоният тараққиётининг ҳозирги даври ва яқин истиқболда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви тизимининг сифат жиҳатидан ривожланиши рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг истиқболи ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланиши ва рақамли технологияларнинг қамров даражасига таянади. Бунга эришиш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига улашиш имкониятлари билан мумкин қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича чуқур билимга эга малакали дастурчилар ҳамда инженер-техник ходимларни етиштириш, таълим тизимининг барча босқичида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий-назарий базани мустаҳкамлаш ва бу соҳада “Рақамли ишонч” жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланган ҳолда илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг кенг қатламлари ўртасида “рақамли саводхонлик”ни тарғиб қилиш ва кенгайтириш, уларни ахборот технологияларини ўзлаштиришга жалб қилиш мақсадида ўқув ортларида семинар, курслар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва қонунийлик ҳужжатларини тақомиллаштириш, шунингдек, “стартап” тушунчаси, фаолияти, венчур фондлари

- орқали уларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил этиш ва унинг мобиллигини ошириш, янги технологияларни тезкорлик билан ўзлаштириш учун мутахассислар малакасини ошириб бориш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги дунёвий алоқаларни мустаҳкамлаш, етакчи халқаро технологик компаниялар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, инновацион ишланмалар бўйича замонавий илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларини ташкил этиш.

Халқаро тажриба шундан далолат беришмоқдаки, бугунги кунда рақамли технологиялар, асосан, илмий ҳамжамият ва ҳуқуқий секторда жадал ривожланмоқда. Шунинг учун давлат айнан ушбу соҳаларда инновацион лойиҳалар ҳамда IT-компанияларни қўллаб-қувватлаган ҳолда қулай экотизимни яратиши лозим.

Шунингдек, давлат инновацион ва рақамли экотизимни қўллаб-қувватлаш соҳасида рақамли таълимнинг замонавий методларини амалга оширишга кўмаклашиш, инновацион хизматларни самарали тарғиб қилиш нормаларини ишлаб чиқиши, янги бозорларни ўзлаштиришга кўмаклашиши ҳамда технологик жараёнларнинг чуқурлашувида юзага чиқадиган рискларни па-сайтириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқдир.

Шерзод МУСТАФАКУЛОВ,
«Университет 3.0» халқаро ўқув ва илмий-инновацион тадиқотлар маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

Ўсиш қарийб 20 фоиз

Шунга яраша дунёда рақамли иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари йилга деярли 20 фоизни ташкил этапти. Тараққий топган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида ра-

са, истъмоил товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн. доллар), автомобиль саноати (3,8 трлн. доллар) ва логистикада (3,9 трлн. доллар) юқори бўлиши таъкидланмоқда.

Турли тадиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгача ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологияла-



қамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф қўришмоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатлари йилига 400 миллиард доллардан кўпроқ рақамли хизматларни экспорт қилмоқда. Мазкур давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан зиёдорлиги бевосита интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ жабҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштиришдан қўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилаётган. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқ-

ри секторидан яратилаётган қўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Қўшма Штатлари ҳамда Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келади.

Юртимизда аҳвол қандай?

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февраль

рени ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши тушунадиган, амалий иш қўнималарига эга малакали кадрларни тайёрлашга эътибор қаратилапти, шунингдек, юқори таърибага эга хорижий мутахассислар жалб қилинапти. Крипто-активлар бўйича фаолият ва блокчейн технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, илғор хорижий тажрибани хисобга олган ҳолда, зарур ҳуқуқий

Тожикистон Республикаси фуқаролари диққатига! 2020 йил 1 март кuni Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли депутатлари сайлови бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳридаги Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида Душанбе шаҳри, Шохмансур тумани 3-сайлов округининг сайлов участкаси ташкил қилинган. Фуқаролар 2020 йил 1 март кuni соат 8.00 дан 20.00 гача ушбу сайлов участкасида овоз бериш орқали ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин. Ўзбекистоннинг вилоят марказларида мuddатидан олдин овоз бериш ва овоз беришни ташкил этиш учун аризалар қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 71-215-67-75.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Каҳҳор, 6-тор кўчаси, 61-уй.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқула олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзъллар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6